

Ўзбекистон Президенти ЕХХТнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири билан учрашди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизнинг ЕХХТ билан конструктив шериклигини ривожлантириш, Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХХТ билан самарали мулоқотнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди ҳамда Швециянинг ташкилотга раислигининг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Кейинги йилларда, шу жумладан ушбу нуфузли минтақавий ташкилотнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори офисининг изчил саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро мулоқот ва алмашинувлар жадаллашгани таъкидланди.

Сўхбатда Ўзбекистон Президенти ЕХХТ билан кўп қиррали шерикликни, аввало, мамлакатимизда муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик доирасида кенгайтиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон ташкилотнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Парламент ассамблеяси билан сермахсул мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Яқин орада бир қатор қўшма тадбирларни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти Швеция билан икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, Швеция етакчи компанияларининг инновациялари ва инвестицияларини мамлакатимизга жалб этиш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтиришни муҳим йўналишлар сифатида қайд этди.

Швецияда Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясини ташкил этиш мамлакатларимиз ўртасидаги ва умуман скандинав давлатлар билан ҳамкорликнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири илиқ қабул ва очиқ суҳбат учун самимий миннатдорлик билдирди.

Анн Линде Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

ЕХХТ доирасидаги қўшма ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани ҳамда Швеция билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига юсак эътибор қаратилаётгани учун миннатдорчилик билдирилди.





Манба